### ПИЛЛАЧИНИНГ МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНСА

Не-не машаққат билан етиштирилган пилла ҳосили учун ўз вақтида иш ҳақини олмаган касаначи жорий йилда ипак қурти парваришлашни зиммасига олади, деб ким кафолат бера олади?

2 бет

### САНКЦИЯСИЗ МУМКИНМИ?

Хорижий мамлакатдан учиб келган ёки чегарадан ўтаётган фуқаронинг шахсий буюмларидан ташқари унинг ўзини ҳам прокурорнинг санкциясисиз кўздан кечириш мумкинми?

4 бет

### ҚОТИЛ ЭР, ҚОТИЛ УКА

Қотилликка иқрор бўлишдан бошқа чора қолмаган Зиёд Эгамбердиев ўзининг хотини Маъсума Раҳматовани ҳам ваҳшийларча ўлдирганини тан олди.

10 бет

### ЎҒИЛ БОЛАНИНГ ГАПИ

– Қани, бўлақол, Холмат, – деди бақалоқ дўриллаб, – хотинингни атлас кўйлагини Қурбонбойга... йўқ, Қурбонойга олиб чиқиб бeрақол!

12 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 15-may, № 20 (593)

ПАРЛАМЕНТДА

## КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

13 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуман «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва уни амалга ошириш механизми» мавзуига бағишланди. Анжуманда инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлган бола ҳуқуқлари ва унинг кафолатлари хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Эътироф этиш жоизки, республикамизда сўнгги йиллар ичида болалар, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Юртимизда «Ёшлар йили» деб номланган жорий йилда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун кучга кирди. Яқинда парламент томонидан Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь) ва Болалар меҳнатининг энг оғир шаклларини тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинди.

Ўзбекистонда болаларни ҳар томонлама ҳимоялашнинг тегишли ҳуқуқий асослари ва аниқ механизмлари яратилганини анжуманда иштирок этган ЮНИСЕФнинг Болаларни ҳимоя қилиш дастури халқаро маслаҳатчиси Шима Баркин ҳам эътироф этди.

Йиғилишда сўзга чиққан мутасадди муассасалар вакиллари ўз тузилмалари доирасида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижро механизми яратилганини қайд этиб, мазкур йўналишда идоралараро ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидладилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари бошлиғи Толибжон Умаров иштирок этди ва прокуратура органлари томонидан Бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида маъруза қилди.

Бола тарбияси, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси учун нафақат давлат органлари, балки оила, ўқув муассасалари, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари бирдай масъул эканликлари анжуман иштирокчилари томонидан таъкидланди.

**Шавкат ЁДГОРОВ,**
**«Huquq» мухбири**

## «Мустақиллик ва ҳуқуқ» кўрик-танловига марҳамат

*Мустақилликнинг ўн етти йиллигига бағишлаб «Huquq» газетаси кўрик-танлов эълон қилади*

Танловга «Конституция менинг тақдиримда», «Ёшлар ва ҳуқуқ», «Қонун ва шарҳ», «Жиноят ва жазо» рукнидаги энг яхши, таҳлилий материаллар қабул қилинади. Танловда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва барча ижодкорларни иштирок этишга таклиф этамиз.

**Кўрик-танлов ўтказиш қоидалари:**

Юборилаётган материаллар босма ёзувда кўчирилган ва «Мустақиллик ва ҳуқуқ» кўрик-танловига деб кўрсатилган бўлиши шарт. Кўрик-танловга тақдим этилган материалларнинг энг муносиблари «Huquq» газетасида чоп этилади.

Эълон қилинган материаллар ички тақриз қилиниб, хулосалар кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этилади.

Ҳайъат хулосаси ҳал қилувчи кучга эга.

**Ғолибларни мукофотлаш:**

Ғолиблар «Huquq» газетасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун арафасида эълон қилинади.

Ғолиблар тўртта рукн бўйича асосий ва рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланади.

Танлов материалларини таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

## ОДАМ САВДОСИ ГЛОБАЛ МУАММО

Жорий йилнинг 17 апрелида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирди. Қонуннинг қабул қилиниши трансмиллий жиноятчиликка қарши тизимли кураш борасида давлатимиз сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Даромад даражасига кўра, одам савдоси гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринда туради. Мутахассислар баҳосига кўра, трансмиллий жиноий гуруҳлар одам савдосидан йилига 7 миллиард доллар даромад кўради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қонунчилик тизими томонидан нафақат жиноий тажовузлардан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг конституцион-ҳуқуқий кафолатлари, балки уларни таъминлаш борасида амалдаги ташкилий тузилма яратилди. Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш инсон, жамият, давлат ҳимояси, одам савдоси фаолиятини олдини олиш, аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадларида амалга оширилади. Кўрсатилган мақсадларга одам савдоси сабаблари, уларни амалга ошириш шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш; аҳоли ва алоҳида фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиш хавфини камайтириш; одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий реабилитация қилиш каби масалаларни ҳал қилиш йўли билан эришилади.

Таъкидлаш лозимки, қонун қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланганди: одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, хусусан, вояга етмаган шахсга нисбатан, ўша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса (Жиноят кодексининг 135-моддаси).

Лекин шароитнинг ўзгариши, трансмиллий жиноий гуруҳларнинг таъсир доираси кенгайиши ва оқибатда халқаро ҳамжамият томонидан трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш глобал тизимининг яратилиши қонуннинг қабул қилинишига туртки бўлди.

«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ҳамкорликдаги одам савдосига қарши кураш самарасини ошириш, Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур қонун одам савдосига қарши курашиш, одам савдоси, одам савдоси билан шуғулланувчи шахс каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Қонуннинг 4-моддаси одам савдосига қарши курашишнинг асосий принципларини белгилайди. Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади: қонунийлик; одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги; одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик; ижтимоий ҳамкорлик.

**(Давоми 3-бетда).**

АМАЛИЁТ

## Давр талабига ҳамоҳанг

Бугунги кунда прокуратура органлари кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бизнинг касбий фаолиятимизда мутахассислик фанларини ўқитишни такомиллаштириб боришга катта эътибор берилмоқда.

Юридик фани, прокурор-терговамалиёти, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил этишнинг энг илғор ютуқларини ўргатиш, прокуратура раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш, прокуратура органлари ходимларининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини мунтазам равишда ошириш, ишчанлик ва профессионал фазилатларини камол топтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 71-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ташкил этилди.

Президентимиз қарори ва Бош прокурор буйруғида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида Олий ўқув курсларида 2008 йилнинг тўрт ойи давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ҳамда туман-шаҳар прокуратуралари прокурорлари ва терговчилари билан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида судларда фуқаролик, хўжалик низоларининг ҳал этилиши ҳамда жиноий жазоларнинг либераллаштирилишига оид қонунларнинг ижро этилишида прокуратура органларининг вазифалари, ҳуқуқий журналистикада касбий кўникмалар ва тажрибалар каби мавзуларда ўқув машғулотлари ўтказилди. Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда замонавий технологиялар, глобал ахборот тармоқлари ресурслари имкониятларидан фойдаланиш муаммолари мавзусидаги ўқув машғулотлари давом этмоқда.

Тингловчиларнинг ташкилотчилик қобилияти ва раҳбарлик маҳоратини мукаммаллаштириш, билимларини чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш мақсадида бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия, Соғлиқни сақлаш, Адлия вазирликлари, Давлат солиқ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Марказий банк ва унинг тизимига кирувчи бошқа банклар, Тошкент Давлат юридик, Педиатрия тиббиёт институтлари, Жаҳон тиллари, Ахборот технологиялар университетлари, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби ва бошқа ташкилотлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тингловчиларни хорижий давлатларнинг илғор ютуқларидан хабардор қилиш ва ўзаро фикр алмашиш мақсадида чет эл олимлари ва йирик мутахассислар иштирокида кўпгина давра суҳбатлари ва конференциялар ўтказилди.

Юқорида қайд этилган ўқув машғулотларининг олиб борилиши билан боғлиқ чора-тадбирларнинг барчаси ўз вақтида, юқори савияда ўтказилишида Бош прокуратура, Олий ўқув курслари маъмурияти ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг хизматлари алоҳида диққатга сазовордир.

**Ш.БЕРДИЕВ,**
**юридик фанлари номзоди**

# Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Навоий вилоят прокуратураси томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, текширишларни янада қисқартиришга оид Президент фармонлари ижроси юзасидан текширишлар ўтказилганда, айрим туман ҳокимлари тадбиркорлик субъектлари манфаатига зид қарорлар қабул қилгани аниқланди.

Хатирчи туман ҳокимининг 2007 йил 28 октябрдаги Қ-953-сонли қарори билан тумандаги чорвачиликка ихтисослашган «Хуршид-Мустафо» фермер хўжалигига тегишли 8 гектар суғориладиган ернинг 0,77 гектари асоссиз равишда фуқаролар Х.Жўрақулов ва О.Абдуллаевга якка тартибда уй-жой қуриш учун доимий фойдаланишга ажратиб берилган.

Мазкур қарор Ер кодексининг 36-моддасида кўрсатилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилишнинг асослари бўлмай туриб, шунингдек «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасида белгиланган ер участкасининг ижара шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги талабига зид равишда қабул қилинганлиги учун уни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 16-бандига кўра, режадан ташқари текширишлар (шу жумладан, қисқа муддатли текширишлар) ўтказилишини асослаб берадиган сабаблардан бири сифатида назорат қилувчи органга тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида келиб тушган қўшимча маълумотлар мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг вилоят ҳудудий комиссияси томонидан мазкур талабга риоя қилинмасдан 2007 йилда етарли қонуний асослари бўлмай туриб, 5 та тадбиркорлик субъекти фаолиятида шундай текширишлар ўтказилишига рухсат берилган.

Жумладан, 2007 йил 24 январда Навоий шаҳридаги «Равнақ-2000» ишлаб чиқариш корхонаси ва «Афина-Навоий» хусусий корхонасига қарашли дўконларда, 22 февралда «Фито-фармлек» ва «Хўжаи Жаҳон фарм» масъулияти чекланган жамиятларига қарашли дорихоналарда ҳамда 10 октябрда «Зафарбек» хусусий фирмасида қисқа муддатли текширишлар ўтказилишига етарлича асос бўлмай туриб рухсат берилган.

Айрим ҳолларда эса тадбиркорлик субъектларининг мол-мулклари давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан талон-торож қилинган.

Хусусан, АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят минтақавий филиали ҳамда Учқудуқ мини банки мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, банк мижози бўлган «Простор» хусусий фирмаси директори Т.Адаевнинг вафотидан сўнг, унинг банк олдидаги 13 млн. 560 минг сўмлик кредит қарзи эвазига 2006 йил 19 апрелда нотариал тасдиқланган тилхат орқали марҳумнинг меросхўри Р.Адаевадан олинган 11 турдаги, жами 25 млн. сўмлик мол-мулклар ҳисобига фирманинг банк олдидаги кредит қарзларини қопламасдан, юқоридаги мол-мулкларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилишган. Учқудуқ туман прокуратураси томонидан 2008 йил 25 февралда ушбу банк филиали мансабдор ва моддий жавобгар шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида мутасадди идора раҳбарлари номига 21 та тақдимнома киритилиб, ҳокимлар ва назорат органлари раҳбарларининг 7 та қонунга зид қарор ва ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш ҳақида протест келтирилди. 12 нафар мансабдор шахс қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 23 нафар мансабдор шахс интизомий, 1 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 1 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунбузилишига йўл қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қонун устуворлигини таъминлаш бош вазифадир.

**Самандар АСТАНОВ,**
**Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

# Пиллачининг меҳнати қадрланса

*Ўзбек ипагининг жаҳон бозорларида нечоғли рақобатбардошлилигини, атлас-у адрасдек миллий матоларимиз таърифу таҳсинга лойиқлигини кўпчилик яхши билади. Лекин ўша пилла хом ашёсининг қандай етиштирилишини, заҳматли меҳнат ҳисобига бунёд бўлишини ҳамма ҳам билавермайди.*

Бухоро вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Президентининг «Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда асосий эътибор жойларда янги тутзорлар ташкил қилиш, мавжуд тутзорларни сақлаб қолиш, «тут парвонаси» касаллигига қарши кураш, зарарланган тут плантацияларида кимёвий ишловлар ўтказиш, пилла хом ашёси етиштирувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ишларига қаратилди.

Вилоятда 2007 йил пилла хом ашёси етиштириш бўйича тузилган шартнома ортиғи билан бажарилган. 2785,8 тонна пилла хом ашёси тайёрлаган ва етиштирган касаначиларга қайта ишловчи корхоналар томонидан 3 млрд. 954,6 млн. сўм тўланган.

Мазкур йўналишда вилоятда кўпгина ишлар амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилган бўлса-да, ўтказилган текширишларда бу борада қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги ҳам аниқланди. Жумладан, Ромитан туман прокуратураси томонидан туманда ги «Ромитан тола» фермер хўжалиги фаолияти текширилганда, хўжалик раҳбари Ў.Наврўзов ва бош ҳисобчи К.Тилавовлар ўз вазифаларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиб келгани маълум бўлди. Улар 2007 йил пилла ҳосили хом ашёси етиштирувчилар билан тузилган меҳнат шартномаси шартларини бузиб, 2008 йил 1 март ҳолатида 603 нафар касаначиларга жами 20 млн. 547,4 минг сўмлик пилла пулини бермасдан келишган.

Пиллачи ҳам, ёки бошқа касб эгаси ҳам меҳнати қадрлансагина фаолияти самарали бўлиши сир эмас-ку! Не-не машаққат билан етиштирилган пилла ҳосили учун ўз вақтида иш ҳақини олмаган касаначи жорий йилда ипак қурти парваришлашни зиммасига олади, деб ким кафолат бера олади?

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган мониторингда «Nwashen Bukhara CO.LTD» Ўзбекистон Хитой қўшма корхонаси томонидан ҳам шартнома, ўзаро ҳисоб-китоб ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар талаби бузилганлиги, Ғиждувон ва Қоракўл туманларида фаолият кўрсатиб келаётган ўнга яқин фермер хўжаликлари томонидан шартнома асосида етказиб берилган тут барги учун жами 4 млн. 115 минг сўмлик тўловни тўланмасдан келганлиги аниқланди.

Мониторинг натижаси бўйича «Nwashen Bukhara CO.LTD» қўшма корхонасидан фермер хўжаликлари ҳисобига асосий қарз ва унга ҳисобланган пенялар, жами 4 млн. 15,3 минг сўмни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ушбу йўналишда жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган текшириш ва таҳлиллар натижасига кўра, туман прокурорларининг қарорлари асосида 2 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. 242 нафар касаначилар фойдасига 10 млн. 858 минг сўмни ундириш тўғрисида фуқаролик судларига 80 та ва фермер хўжаликлари фойдасига 5 млн. 954,2 минг сўмни ундириш тўғрисида хўжалик судларига 12 та даъво аризалари киритилди. Аниқланган қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 1 та жиноят иши қўзғатилди.

**Мурод АШУРОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори**

**57 ёшга кирган андижонлик Маҳмуджон Юлдашев 2003 йилдан 2006 йил май ойига қадар «Асака-2 тажриба экспериментал пахта тозалаш заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси лавозимида ишлаган эди. Корхонада ўтказилган тафтиш жараёнида раҳбар ҳамда бош ҳисобчи бир қатор қонунбузилишларига йўл қўйгани, корхона мол-мулкини ўз билганича тасарруф этгани аён бўлди.**



# ҒАЙРИҚОНУНИЙ улгуржи савдо

Хусусан, корхона маъмурияти етказиб берган маҳсулотлар ҳақини ундириш чораларини кўрмаган. Бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналарга қарзини тўлолмай келган. Натижада катта миқдорда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларидан қарздорлик вужудга келган. Корхона раҳбари қарзларни қонуний ундириш ва тўлаб бориш чораларини кўриш, хўжалик судига мурожаат этиш ўрнига қонунларда тақиқланган йўлни танлаган. Алининг дўпписини Валига кийдирган. Яъни, «Асака ёғ-мой» АЖдаги ҳақини уч томонлама шартнома тузиш, товар айирбошлаш йўли билан бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналардан қарзи эвазига ўтказиш тўғрисида ноқонуний ушбу шартномалар тузган. Уч томонлама шартномаларга асосан жамиятнинг 85,4 млн. сўм ҳақдорлик ва қарздорлигининг ўрнини қоплаган. 46 млн. сўмликдан зиёд товар айирбошлаш операцияларини ўтказган. Белгиланган тартибда рухсат олмасдан улгуржи савдо билан шуғулланган. Ишчи-хизматчиларга иш ҳақи эвазига турли маҳсулотларни натура шаклида тарқатган. М.Юлдашев корхона бош ҳисобчиси Султонхон Мирзажонова билан жиноий тил бириктириб, ғайриқонуний равишда 2005 йил мобайнида 109 млн. сўмликдан зиёд маҳсулотларни улгуржи сотиб юборган.

Афсуски, жамият раҳбари бу билан кифояланиб қолмади. У АЖнинг «Қадим» пахта қабул қилиш пунктидаги қуритиш цехи ва айвонни хусусийлаштириш ва сотиш учун 6 кишилик ишчи гуруҳини тузиб, уларга ўқитмасдан имзолатиб олди. Қонунга хилоф битим тузиб, кузатув кенгаши йиғилишини ўтказмай, бошқарув ҳайъати аъзоларининг розилигини олмасдан аукцион савдога чиқарди. Қуритиш цехи ва айвонни «Эксперт Маг» баҳолаш марказига 1 млн. 630 минг сўмга баҳолатиб, аукцион орқали фуқаро М.Қорабоевга 2 млн. 150 минг сўмга соттириб юборди.

2006 йил ёзида бошқарув кенгаши раиси этиб Адҳамжон Мақсудов сайланди. Лекин янги раҳбар ҳам аввалги раҳбарнинг изидан борди. Бош ҳисобчи Султонхон Мирзажонова билан тил бириктириб, ноқонуний улгуржи савдо ҳамда товар айирбошлаш ишларини давом эттиради. Корхонанинг 109,8 млн. сўмлик маҳсулотларини улгуржи сотиб, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардан тушган 16,8 млн. сўм накд пулнинг 6,1 млн. сўмини банк муассасасига топширмай, бошқа мақсадларга сарфлаб юборишди. Қонунда кўзда тутилган аввалдан 15 фоиз тўловларсиз корхонанинг 111,7 млн. сўмлик маҳсулотларини соттириб, 19,6 млн. сўмлик қарзларни ундириш, жамият ишчи-хизматчиларининг иш ҳақларидан 137 млн. 400 минг сўм қарзни тўлаш чораларини кўрмади.

Корхонада ўтказилган тафтиш натижаларига кўра жиноят иши қўзғатилиб, суднинг ажримига кўра лавозимларидан четлаштирилган бўлсалар-да, А.Мақсудов бошқарув кенгаши раиси, С.Мирзажонова бош ҳисобчи лавозимида яна тўрт ой мобайнида ишлашган.

Халқимиз, балиқ бошидан сасийди, деб бежизга айтмаган. Бошқарув кенгаши раисининг хизмат вазифасига панжа орасидан қараши, ноқонуний ҳаракатлари қўл остидаги ходимларга ўрнак бўлган. Жумладан, корхона чигит товаршуноси А.Соипов, уруғлик чигит товаршуноси Н.Ҳусанов ўзларининг ихтиёрида бўлган 4,3 млн. сўмлик уруғлик чигитни пуллаб юборишган. Тола товаршуноси Қ.Қобилов эса 7,8 млн. сўмлик 10 минг 665 килограмм той пахталарни ностандарт пахта толалари орасида ўзлаштириш мақсадида яшириб, сақлаб келган.

Ғайриқонуний улгуржи савдо билан шуғулланиб, солиқ тўловларини, ишчи-хизматчиларга иш ҳақларини тўламасдан келган, корхона мол-мулкини талон-торож қилган ОАЖ бошқарувининг собиқ раислари М.Юлдашев, А.Мақсудов, бош ҳисобчи С.Мирзажоновага суд тегишли жазо тайинлади.

**Акмалжон КАРИМОВ,**
**Асака туман прокурори**

# ОДАМ САВДОСИ ГЛОБАЛ МУАММО

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари мустаҳкамланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган.

Қонуннинг 6-моддасига биноан, одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилади.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

— одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

— одам савдосининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;

— ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Қонуннинг 8-моддасига кўра, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш одам савдосига қарши кураш тизимининг ажралмас қисмидир. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилиши мумкин. Бундай муассасалар ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга оширади. Қонуннинг 9-моддасига кўра, бундай муассасаларнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат: одам савдосидан жабрланганларни қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитлари, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш; шошилинч тиббий, психологик ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш; хавфсизлигини муҳофаза қилиш; жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатишига кўмаклашиш; уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш; жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида уларни ижтимоий реабилитация қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Қонуннинг 10-моддасига кўра, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади. Жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бу жараёнда одам савдосидан жабрланган болалар манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Қонуннинг 11-моддасига кўра, ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай болаларнинг ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Бундай болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак. Шунингдек, уларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади.

Агар улар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан бехабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар қонуннинг 12-моддасида белгиланган.

Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асослантирилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар, депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

Қонуннинг 13-моддасига кўра, суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

Таъкидлаш лозимки, давлатларнинг халқаро ҳамкорлигини шакллантирмай туриб, одам савдосига қарши курашнинг самарали тизимини яратиш мумкин эмас. Қонуннинг 14-моддасида одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик нормаси мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни одам савдосига қарши курашиш борасида кенг доирадаги муносабатларни ўз ичига олиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан самарали ҳимоя қилиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

**Баҳодир ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари**

# ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, бугун босиб ўтган йўлимизни танқидий ва холисона баҳолар эканмиз, юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаб ўтганди.

Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги белгилаб қўйилган. Бу конституциявий қоида 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»нинг 2-моддасига тўла мос келади.

Конституцияда ҳар бир инсоннинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими қайта қуриб чиқилди. Аҳолига бепул шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган, ихтисослаштирилган шифохоналар тармоғи ташкил этилди. Энг қуйи бўғинлардан ихтисослаштирилган марказларгача — барчаси замон талабларига жавоб берадиган диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди.

Фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган таълим олишга бўлган ҳуқуқини тўлалигича таъминлаш борасида эса таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Дастур асосида тубдан янгиланган умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими, икки поғонали олий таълим баркамол авлодни тайёрлашда ўзининг самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда Конституцияда белгиланган Ўзбекистон халқининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилишни дастуриламал қилиб олинишини эътиборга сазовордир. Бугунги кунга келиб, халқимиз фаровонлигини таъминлаш учун аҳолининг реал даромадларини ҳар уч йилда 2-2,5 баробар ошириш муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланди.

Шунингдек, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада мамлакатимизда ишсизлик даражаси йил сайин камайиб бормоқда.

Бугун юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ижтимоий ҳимоя тизими шаклланган. Аммо, бу соҳада ҳали ечилмаган масалалар, бартараф этиш зарур бўлган муаммолар ҳам етарли. Уларни ҳал қилиш, бу соҳадаги ишларимизни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганди.

2007 йилда юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағи, 270 миллиард 400 миллион сўм миқдорида грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомийлар маблағи сарфланганини бу соҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури бўйича йил давомида 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаётимизда, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир кучига эга бўлган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида», «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида» ва «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги Қонунлар айниқса эътиборга сазовордир.

Юртбошимиз айтганларидек, ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда Алишер Навоий бобомизнинг чуқур маъноли сўзлари беихтиёр барчамизнинг хаёлимизга келади:

*«Кимки бир кўнгли бузуғнинг*
*хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон бўлса*
*обод айлагай».*

Ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хонадонларимиз файзи ва фариштаси бўлган муҳтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришни тушунамиз.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган янгиланишларнинг, демократик ислоҳотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида бундан кейин ҳам хизмат қилаверади.

**Э. МИРБОБОЕВА,**
**Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-давлат нотариал идорасининг нотариуси**

## АЛОҚАСИ ЙЎҚ ҲУЖЖАТ

*Бундан олти йил аввал корхонамиз банкротга учраганлиги сабабли мен кўпчилик қатори ишсиз қолган эдим. Яқинда ўз мутахассислигимга мос бўлган иш топдим. Лекин кадрлар бўлими бошлиғи ўн иккита ҳужжатни тақдим этишим кераклигини айтди. Улар ичида ишга алоқадор бўлмаган бир қанча ҳужжатлар ҳам бор. Масалан, болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойдан маълумотнома кабилар. Бу ҳужжатлар янги тартибга кўра киритилганми?*

**М.ЖЎРАЕВА,**
**Қарши шаҳри**

Меҳнат кодексининг 80-моддаси талаби бўйича сиз тилга олган ҳужжатлар ўн олти ёшгача бўлган шахсларни ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинади. Қолган ҳолларда эса:

— паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат, турар жойдан маълумотнома;

— меҳнат дафтарчаси;

— ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирилувчилар тегишинча ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

— мутахассислиги ва маълумотини тасдиқловчи (махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани) ҳужжат тақдим этилади.

## БАЙРАМ КУНГИ ИШ

*Мен ўқишни битириб, ишга кирганимга эндигина беш ой бўлди. Шу пайтга қадар ўтган байрам кунларининг барчасида ишга чиқиртириб олишди. Гоҳида эса зарур бўлганда бошлиғимиз дам олиш кунлари ҳам ишга чақиради. Айтингчи, қонун бўйича бундай ҳолатларда бизга қўшимча ҳақ тўланиши керакми ёки йўқми?*

**З.МАТЧОНОВ, Урганч шаҳри**

Бундай ҳолатлар Меҳнат кодексида, шунингдек жамоа шартномасида аниқ белгилаб қўйилади. Жумладан, Меҳнат кодексининг 157-моддасида белгиланган тартибга кўра, иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Лекин тўланадиган бундай ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунлари ишлаган ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

## УНВОНГА ҲАҚ

*Яқинда Республикамиз Президенти томонидан унвонларга эга бўлган шахсларнинг пенсияларига қўшимча ҳақ тўланиши тўғрисида фармони эълон қилинди. Айтингчи, мазкур фармонда Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига эга бўлганларнинг пенсиясига ҳам қўшимча берилиши кўзда тутилганми?*

**О.АБДУРАИМОВ,**
**Яккабоғ тумани**

Республикамиз Президентининг 2007 йил 17 декабрдаги «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонида Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган шахсларнинг пенсияларига қўшимча ҳақ тўланиши назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига эга бўлганлар ойлик иш ҳақи ёки пенсияга қўшимча энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ой сайин тўланадиган устама мукофот тарзида оладилар.

Қолаверса, бундай унвон билан тақдирланган шахслар Ўзбекистон ҳудудида давлат пассажир транспортининг барча турларида (таксидан ва бошқа транспорт турларининг буюртма рейсларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эгадирлар.

## МУТАХАССИС БЎЛИШ УЧУН...

*Яқинда автомашинада кетаётиб бир киши билан танишиб қолдим. Ундан қаерда ишлашини сўрасам, божхонада фирмаларнинг юкларини расмийлаштириш билан шуғулланаман, бошқачасига мутахассисман деди. Аммо унинг айтиши бўйича божхоначи эмас экан. Бу қандай иш ўзи? Бундай ишга кимлар олинади?*

**Р.ЗОКИРОВ,**
**Сирдарё тумани**

Бундай шахслар божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис деб аталади. Мутахассис божхона органи томонидан берилган малака аттестати бўлган, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси — декларант билан меҳнат шартномаси тузган ва шу декларант номидан божхона расмийлаштируви бўйича ҳаракатларни амалга ошириладиган Ўзбекистон Республикасининг жисмоний шахсидир.

Мутахассис божхона расмийлаштируви ва декларант номидан божхона иши бўйича қуйидаги соҳалар бўйича бошқа вазифаларни бажара олиши лозим:

— божхона ҳуқуқи ва божхона иши — божхона режими, маҳсулот ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон чегарасидан ўтиши тартиби ҳамда шартларини, божхона тўловлари турларини, божхона расмийлаштируви тартибини, шу жумладан декларациялаш ва божхона мақсадлари учун товарлар классификациясини, товарларнинг келиб чиқиш мамлакати ва унинг божхона қийматини аниқлаш қоидаларини, божхона органлари томонидан божхона ва валюта назоратини ўтказиш тартибини, божхона статистикасини, божхона иши борасида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини, божхона хизматининг ташкил этилишини, божхона хизмати органларининг статуси, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини;

— ташқи иқтисодий фаолият ва унинг давлат бошқарувини — ташқи иқтисодий келишувларни тузиш ва ижро қилиш, нархларни, ташқи савдода транспортировка ва суғурталаш шартларини, тақиқлар ва чекловларни, шу жумладан лицензиялаш, сертификатлаш ва ҳоказо шу кабиларни;

— мутахассис фаолияти учун зарур бўладиган маълумотларни автоматик усулларда қайта ишлаш қоидаларини.

Мутахассиснинг билиши лозим бўлган аниқ саволлар рўйхати, шунингдек мутахассиснинг жавобларини лозим даражада деб баҳолаш меъёрларини Ўзбекистон божхона қўмитаси белгилайди.

Божхона расмийлаштируви мутахассиси аттестатини олишга номзод:

— ўрта, олий ёки тўлиқсиз олий ёхуд ўрта-махсус маълумотга эга бўлиши шарт;

— махсус тайёргарликдан ўтиб, малака имтиҳонини топшириши шарт.

Малака имтиҳонлари оғзаки ва ёзма шаклларда ўтказилиб, Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган комиссия томонидан олинади.

## САНКЦИЯСИЗ МУМКИНМИ?

*Хорижий мамлакатдан учиб келган ёки чегарадан ўтаётган фуқаронинг шахсий буюмларидан ташқари унинг ўзини ҳам прокурорнинг санкциясисиз кўздан кечириш мумкинми?*

**Қ.ҲАМДАМОВ,**
**Боғдод тумани**

Қонун ҳужжатларини бузиш объектлари ҳисобланувчи товарларни ўз ёнида яшираяпти ва кўрсатмаяпти деб ҳисоблашга асослар бўлган тақдирда божхона чегараси орқали ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро алоқа учун очиқ аэропортнинг транзит зонасида турган ҳар қандай жисмоний шахс кўздан кечирилиши мумкин. Лекин бунинг учун жисмоний шахсни кўздан кечириш тўғрисида божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосарининг ёзма қарори қабул қилиниши лозим. Шахсни кўздан кечириш шакли божхона органи бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосари томонидан шахсни кўздан кечиришни тезлаштириш мақсадида аниқ шароитлар вақт, кун, масофанинг узоқ ёки яқинлигига қараб белгиланади. Қарорда шахсни кўздан кечириш топширилган божхона органи мансабдор шахси аниқ кўрсатилган бўлиши шарт.

Бу тадбир холислар иштирокида, зарурат туғилганда мутахассислар, шу жумладан тиббиёт ходими ва таржимон таклиф этилган ҳолда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахслар уларнинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олувчилари, васийлари ёки ҳомийлари) иштирокида, қаровга муҳтож бўлган жисмоний шахслар эса уларни етаклаб юрувчи шахслар иштирокида кўздан кечирилади.

Кўздан кечирилаётган шахс кўздан кечириш жараёнида ҳимоячи иштирок этишини талаб қилишга ҳақли. Бу ҳолда ҳимоячи етиб келгунига қадар кўздан кечириш тўхтатиб турилади.

Шахсни кўздан кечиришда иштирок этиши назарда тутилмаган ёки ушбу тадбирга умуман алоқаси бўлмаган шахсларнинг қатнашиши мумкин эмас.

Шахсни кўздан кечиришни амалга оширувчи божхона органи мансабдор шахси ҳамда унда иштирок этувчи бошқа шахслар кўздан кечирилаётган шахс билан бир жинсда бўлишлари шарт. Шу билан бирга шахсни кўздан кечиришда қатнашувчи бошқа шахслар кўздан кечириш ўтказилган кунга қадар вояга етган бўлишлари лозим.

Кўздан кечирилаётган шахснинг танасини текширувдан ўтказиш фақат тиббиёт ходими томонидан амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларнинг кўздан кечириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талабларига мувофиқ, агар шахсни кўздан кечириш натижасида унинг жўнаб кетиши асоссиз кечиктирилса ва у айбсиз деб топилса божхона органи мансабдор шахслари томонидан мазкур шахс навбатдаги яқин рейс билан манзилига жўнатиб юборилиши шарт.

## ҚИЙМАТИГА БОҒЛИҚ

*Бундан икки йил аввал бир фирмадан кичкинагина ишлаб чиқариш биносини сотиб олган эдик. Бинонинг пулини ўша вақтда белгиланган ва келишилган баҳо бўйича тўлиқ тўлаганмиз, аммо бинони ўз тасарруфимизга ҳалигача олмаган эдик. Ҳозирда эса шу бўйича ўртада низо чиққан. Агар биз хўжалик судига мурожаат этадиган бўлсак, қанча давлат божи тўлаш керак бўлади?*

**Д.ЖАББОРОВ,**
**Тошкент вилояти**

Мулкий тусдаги даъво аризалари билан хўжалик судига мурожаат этилганда тўланадиган божнинг суммаси даъвонинг баҳосига боғлиқ. Хусусан:

1 млн. сўмгача бўлганда — даъво баҳосининг 3 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда;

1 млн. сўмдан ортиқ 10 млн. сўмгача бўлганда — даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида;

10 млн. сўмдан ортиқ бўлганда — даъво баҳосининг 1 фоизи миқдорида тўланади.

## ҚАЙСИ БИРИ ҚУЛАЙ?

*Хусусий корхона деганда қандай корхона тушунилади ва бундай корхона ўз филиалларини тузишга ҳақлими?*

*Бундай корхоналарни текширишда имтиёз ёки чекловлар борми?*

**З.ШОМУРОДОВ, Тошкент шаҳри**

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона дейилади.

Хусусий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

Хусусий корхона фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналарнинг — кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа хусусий корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар эса кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

**Саволларга Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб берди**

**Ҳурматли муштарий! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб берадилар. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «huquq97@mail.ru» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛИҒИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

«Бола бўлса шўх бўлсин..» деган гапни кўп бора эшитганмиз. Лекин, шўхликда ҳам шўхлик бор. Маҳалламизда Собит билан Собир исмли ака-укалар бўларди. Ҳар бирининг қилиғи ўзи тенги ўнта боланикидан ошиб тушар, уларнинг шўхлигидан дам онаси мактабга югурар, дам отаси қўни-қўшнидан узр сўрарди. Аҳвол шу даражага етган эдики, биров эшик тақиллатиб келса, бояқиш ота-она «болаларимиз яна нима иш қилиб қўйди экан» деб юрак ҳовучларди. Шундай кунларнинг бирида ака-укаларнинг кичиги мактаб ёнидаги танасига қулоч етмас тут дарахтига қуш боласини оламан, дея чиқади. Аксига у турган шох синиб, олти метрлар чамаси баландликдан йиқилади. Собирнинг бахтига қўшни йигит машинаси билан ўтиб қолади. Дарҳол болани олиб, касалхонага етказишади. Собирнинг қўл ва оёғи бир неча жойидан синган экан. Анча вақт касалхонада даволанди. Ота-онасининг куйганини айтмайсизми?!

Ҳозир иккаласи ҳам улғайиб, бола-чақали бўлиб кетишган. Анча қуйилиб ҳам қолишган. Аммо Собирнинг гарчи тузалиб кетган бўлса-да, бир оёғи оқсайдиган бўлиб қолган.

Ҳар йили баҳор келиб, дов-дарахтлар гуллаб, довучча илинжида дарахтга тармашган болакайларни кўрганимда ўша воқеани, Собирни эслайман. Нимаям дердик, боламисан, деб шуни айтса керак-да! Йўқса, арзимаган полопонни деб майиб бўлиш шартмиди?!



Куни кеча Собирни учратиб қолдим. Қизчалик бўлибди. Эшитиб, хурсанд бўлдим. Болалигини эслаб, ўша қилмишидан афсусланган бўлди. Ўзини даволаган айрим врачлардан миннатдор бўлиб, баъзиларидан хафа ҳам бўлди. Паришон ҳолда хайрлашди. Уйга келгунимча унинг ғамгин қиёфаси кўз олдимдан кетмади. Шу баҳона каминада травматолог врачлар билан суҳбатлашиш фикри туғилиб, **травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти катта илмий ходими, Тошкент тиббиёт академияси кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори Искандар ХОДЖАНОВ**га учрашдим.

— Аввало, фаолиятимиз ҳақида икки оғиз айтиб ўтсам, — дея гап бошлади Искандар ака. — Болалар ўткир жароҳатлари бўлими институтнинг муҳим бўғинларидан бири бўлиб, асосан болалар жароҳати ва унинг асоратларини олдини олиш билан шуғулланади. Шу ўринда ортопедия сўзига тушунча бериб кетсам. «Ортос» ўсувчи, ўсаётган деган маънони билдирса, «педия» бола, тарбия дегани. Демак, ортопедининг биринчи галдаги вазифаси ўсаётган боланинг таянч тизимини тарбиялаш ҳисобланади. Травманинг эса жароҳат эканини ҳамма билади.

Афсуски, сўнгги йилларда болалар ўртасида жароҳатланиш ҳолатлари кўпайиб, улар юрак қон-томир, онкологик касалликлардан кейин учинчи ўринда турмоқда. Бу ҳол айниқса баҳор ойларида кучаяди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, қиши билан деярли уйдан чиқмаган бола, кунлар исиши билан ташқарига интилади. Бундай пайтда уларни уйда ушлаб ўтиришнинг иложи йўқ. Иккинчидан, боланинг организмида нордон нарсага талаб кучли бўлади. Аҳамият берган бўлсангиз, кичкина болалар нордон нарсаларни бемалол истеъмол қилаверишади. Шунинг учун бўлса керак, мевалар ғўра бўлишига улгурмасданоқ, уларга қарши «ҳужум» бошланади. Оқибатда аксарият болалар дарахтдан йиқилиб, турли хил жароҳат оладилар. Яна бир ачинарли ҳолат эса, автоҳалокатлар ҳисобланади. Автоҳалокатларнинг кунлар исиши билан кўпайишига сабаб, қиш пайтлари йўллар сирпанчиқ бўлгани боис, унча-мунча ҳайдовчи машинасини ҳайдаб чиқишга ботинолмайди. Уддасидан чиққани ҳам секин юришга ҳаракат қилади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, Худо кўрсатмасин, шундай пайтда автоҳалокат содир бўлса, нисбатан енгил кечади. Ёз келиб, кўчалар қуруқ бўлганда эса, машиналарнинг тезлиги ошади. Бундан ташқари гоҳ-гоҳ болалар оромгоҳларида ҳам турли кўнгилсизликлар бўлиб туради. Шу ўринда сув ҳавзалари билан боғлиқ кўнгилсизликларни ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Анҳор ёки турли каналларга чўмилиш учун борган болалар бир-бирига ўзларини кўрсатиш учун шўнғишни ёқтиришади. Сув ости эса турли хил чиқиндилар билан тўлган бўлиши мумкин. Оқибатини айтмасак ҳам бўлади...

Болаларнинг йиқилганда ёки урилганда энг кўп жароҳат оладиган жойи тирсак бўғини ҳисобланганлиги боис, уни даволаш ҳам бир қарашда осон туюлса-да, аслида ундай эмас. Тўғрироғи, уларни даволашда кейинги асоратларини унутмаслик керак.



Биргина мисол. Дейлик, ёш бола йиқилиб тушиб, қўли ёки оёғи лат еди. Бундай пайтда кўпгина ота-оналар бепарво бўладилар ёки ўша жойга йод суркаб, боғлаб қўядилар. Боланинг организми ёш бўлганлиги боис, тезда оғриқ қолиб, жароҳат олган жой тузалиб кетади. Аслида эса доимо шундай бўлавермайди. Зарба натижасида лат еган жойда бўғин суюқлиги ишлаб чиқариш кўпайиб, бу жараён бузилади. Вақт ўтган сари суюқликдаги туз жароҳат жойига йиғила бориб, кейинчалик оғриқни пайдо қилади. Бу босқични даволаш бирмунча қийин кечади. Бундай пайтда нима қилиш керак?

Агар қўл ёки оёқ шикастланган бўлса, иложи борича ўша аъзони қимирлатмаслик керак. Шу билан бирга деярли ҳамма биладиган усул — жароҳат олган жойга муз қўйиш ҳам мумкин. Бу пайтда ўша жойдаги қон томирлари торайиб, оғриқ камаяди. Аммо бу муолажани фақат бир кун қилиш керак. Олинган жароҳат, масалан суяк синиши очиқ ҳолатда бўлса-чи? Бу ҳолатни даволаш қийинроқ кечади. Биринчидан, синган суяк муолажа қилинса, кейинчалик йиртилган ёки кесилган тўқималарни даволаш зарур бўлади. Бироқ доимо ҳам шундай бўлавермайди. Шундай воқеалар учраб туради, жароҳат ёпиқ шаклда бўлганлиги боис, унинг қай даражада эканлигини билиб бўлмайди. Бемор ҳам оғриқдан шикоят қилмайди. Орадан 7-8 кун ўтгачгина айрим белгилари пайдо бўла бошлайди. Бу ҳолат эса шифокордан мулоҳаза билан иш юритишдан ташқари, юқори малакани ҳам талаб қилади.

Ўрни келганда яна бир ҳолатга эътибор қаратмоқчиман. Яқин ўтмишда тиббиёт соҳасида анчагина муаммолар бор бўлиб, халқимиз маҳаллий табибларга мурожаат қилишга мажбур эди. Энди замон ўзгарди. Фан-технология ривожланиб, юртимизда ҳам шу имкониятлардан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Ҳукуматимиз томонидан турли соҳаларда бўлгани каби, тиббиёт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий, юқори савиядаги тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган қатор поликлиника ва касалхоналар ишга туширилди. Айниқса, компьютер технологиясининг йўлга қўйилиши кўнгилдагидек иш бўлди. Бугун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда вилоятларда 12 та филиали, туман ва шаҳарларда 173 та бўлими фаолият олиб бормоқда. Шундай бўлсада, аксарият фуқароларимиз ҳали ҳануз суяк синиши ёки чиқиши билан боғлиқ жароҳат олишганда мутахассисга эмас, табибларга мурожаат қилишади. Бу иш билан шуғулланадиганларни Сурхондарёда уста, Тошкентда синиқчи, айрим жойларда эса табиб деб аташади. Тан олиш керак, баъзи ҳолларда уларнинг муолажаси ҳам фойда беради. Аммо афсуски, кўп ҳолларда лозим даражадаги малакага эга бўлмаган ана шундай табибларнинг нотўғри қўллаган усуллари оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Узоққа бормайлик, ҳозир бизда йиқилиб, қўлини синдирган бола даволанмоқда. Ота-онаси табибга олиб боришган. Табибнинг нотўғри муолажа қилганлиги туфайли қўлининг панжалари букилмайдиган бўлиб қолган. Қўлни илгариги ҳолига қайтариш учун энди камида 8-10 йил керак бўлади. Албатта, бу кичкина муҳлат эмас. Қолаверса, бу даврда бир неча операциялар ҳам зарур бўлади. Энг ачинарлиси, ота-онанинг бепарволиги туфайли қанча оворагарчилигу асаббузарликлар рўй бермоқда. Шунинг учун «Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деганларидек, бундай пайтда зудлик билан врачга мурожаат қилиш, муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак.

Бундан ташқари жиддий жароҳат олиб, даволанса-да асоратидан азият чекиб юрган беморлар йилига икки маҳал даволаниб туришса, ўзлари учун фойдадан холи бўлмасди.

Кафедрамизда асосан ёш болалар даволанишгани учун гоҳида «ёш бола билан ишлаш осон эмас-ку! Қандай йўл тутасиз» дея сўраб қолишади. Дарҳақиқат, болалар билан ўзига хос муаммолар доимо учраб туради. Йиғлаб, текширишга имкон бермайди. Гоҳида оғриётган жойини сўрасангиз, бошқа ерини кўрсатади. Камина улар билан ишлашнинг ўзига хос усулини ўйлаб топганман. Масалан, бирорта янги келган бемор болани кўриқдан ўтказганимдан сўнг, «Кўрдингми, касалга қарши бирга кураш бошлаганимиз учун анча яхшисан. Бугундан бошлаб кичкина доктор бўлиб, менга ёрдамчи бўласан», деймaн. Эртасига ёнига кириб, «Бугун кечагидан ҳам зўрсан-ку! Аммо доктор бўлишингга яна икки-уч кун бор экан. Айтилган уколларни олиб, дориларни ичиб турсанг, бўлди. Ўшанда ҳақиқий доктор бўласан», дея кўнглини кўтараман. Шундай қилиб болага болаларча муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан. Бундан ташқари, вақт топиб, болалар билан шахмат ёки шашка ҳам ўйнаб тураман. Мақтаниш эмас-ку, яхши ўйнайман. Шунинг учун «ким мени ютса, уйига жавоб бераман», деб ўйин орқали ҳам болаларни касалликдан чалғитаман, ҳам ўзига бўлган ишончни орттиришга ҳаракат қиламан. Жавоб бериш вақти келганда эса атайлаб, ютқазаман. Бундай пайтларда уларнинг хурсанд бўлганликларини кўрсангиз эди...

* * *

Искандар акадан яна анча нарсаларни сўрамоқчи эдим. Иложи бўлмади. Сабаби, гарчи у кишининг ёнига олдиндан қўнғироқлашиб, келишган ҳолда борган бўлсам-да, ёлғиз учратолмадим. Беморлар қатори навбат кутиб кирганимда эса, ҳали у врач кириб, қўлидаги рентген хулосасини кўрсатиб маслаҳат сўрайди, ҳали буниси «операция бошлаб қўйгандим. Фалон жойига ўйланиб турибман. Кўриб беринг», дейди. Хуллас, у киши билан бир эмас, уч марта учрашишга тўғри келди. Охирги марта борганимда эса қозоғистонлик бир аёл маслаҳат сўраб келган экан.

Халқимизда дардни берадиган Оллоҳ, шифосини ҳам ўзи беради, докторлар эса сабабчи бўлади, деган гап бор. Юқоридаги суҳбатдан сўнг, бу гапнинг Искандар ака ҳамда ўз касбига фидойи бошқа врачлар фаолияти мисолида маълум маънода тўғрилиги ҳам кўринади. Шундай бўлсада, нафақат фарзандларимизнинг, балки бизнинг соғлиғимиз ҳам аввало ўз қўлимизда эканлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, «асраганни Худо ҳам асрайди», деб бежиз айтилмаган.

**Ғофуржон АЛИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

**Ҳаёт давом этаркан, ўғирлик билан тўғрилик, жиноят билан адолат тўқнаш келаверади. Адолатнинг қарор топиши, жиноятни фош қилиш ҳаётда ҳамиша ҳам осон кечавермайди. Ҳаёт бу кино эмас. Иш фаолиятимда бунга кўп бор гувоҳ бўлганман. Баъзан содир этилган биргина қотиллик жиноятини очиш учун юзлаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари тунларни бедор ўтказади, ўз ҳаётини хавф остига қўйишга мажбур бўлади. Жиноят эса очилиши шарт. Агар шундай қилинмаса, яна кўплаб бегуноҳ инсонлар ҳаёти таҳликада қолади.**

**Жиноят очилиб, қотиллик фош қилинганда енгил нафас оласан киши. Умринг беҳудага кетмаганига ачинмайсан. Бугун ана шундай фош қилинган бир жиноят тарихи ҳақида сўз боради.**

# Қотил эр, қотил ука



...2002 йил 11 январь. Қаҳратон қиш забтига олган. Минг бир азобда туман марказига келган Маъсума Раҳматова (исм ва фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) қизчасини бағрига босганича Урганч туманлараро фуқаролик суди биносига кириб борди. Навбатчи милиционер Маъсумани ичкарига таклиф қиларкан:

— Совуқ кунда нима қилардингиз? — деди ачиниш билан.

— Суд бугунга белгиланган экан. Келавердим. Қизимнинг отаси икки йилдан буён алимент тўламай қочиб юрибди.

— Эркакман деб бош кўтариб юрган йигитлар кўп. Туғдириб қўйганингдан кейин алиментни тўла-да, — деди милиционер норози оҳангда. — Хафа бўлманг. Қозимиз адолатли, қочоқ отанинг жазосини бериб қўяди.

Кўп ўтмай суд биноси жавобгар, даъвогар ва гувоҳлар билан тўлди.

Маъсума судьянинг ўзи чақириб қолар деб, кутиб ўтирди. Ҳеч ким сўрамади. Сабри чидамай, соат ўн бирларга яқин очиқ эшикларнинг бирига кириб, қўлидаги чақирув қоғозини кўрсатди.

— Кутинг, жавобгар келса судни бошлаймиз, — деди ёшгина йигит.

Ўша куни Маъсума суд биносида эри Зиёд Эгамбердиевни соат тўртгача кутди. Лекин у келмади. Бояги чақирув қоғозини кўрган йигит Маъсума Раҳматовани чақириб:

— Эрингиз келмади, суд бошқа кунга қолдирилди. Ўзимиз сизни бир ҳафтадан сўнг чақирамиз, — деди-ю, ичкарига кириб кетди.

Маъсума минг азобда яна Хонқа туманига — отасининг уйига қайтди.

Орадан 2-3 кун ўтиб, Маъсума шаҳар марказидаги бозорга тушди. Не кўз билан кўрсинки, бозор ёнида эри Зиёд турибди.

— Маъсума, бу нима қилганинг, мени судга берибсан? Чақирув қоғози келди. Ўртада қизимиз бўлса, тирик етим қилиб нима қиласан, — деди нолиш оҳангида.

— Шунча вақтдан бери ота бўлиб оилангиздан хабар олмасангиз. Яна нима қилишим керак эди?

— Ўзинг биласан, ҳарбийларнинг ишини. Ойлаб хизмат сафарида юрамиз. Яхшиси эртага шу ерда учрашайлик. Ота-онангга мени кўрганингни айтма. Бир гаплашиб оламиз. Ўзинг келсанг бас. Қизимизни олиб келишинг ҳам шарт эмас.

Эртасига Зиёд Урганч шаҳридаги бозор дарвозасининг ёнида хотини Маъсумани кута бошлади. Соат 11 ларга яқин хотини етиб келди. Эр-хотин бозор ёнидаги кафеда тушлик қилишди. Сўнг Зиёд хотинига:

— Энди уйга юр. Хотинсиз уй мозор деб бекорга айтишмас экан. Уйни яхшилаб тозала. Кечга яқин отангнинг уйига бориб, машинада қизимиз Раънони олиб келамиз, — деди.

Эрининг ақли кириб қолганидан хурсанд бўлган Маъсума Зиёднинг орқасидан эргашди. Эр-хотин Урганч шаҳридаги ўзлари яшаган 3-даҳадаги хонадонга кириб боргунида тушлик пайти эди. Уйга киргач, Зиёд хонадоннинг эшигини ичкаридан қулфлади. Маъсума энди уйдаги тартибсиз ётган буюмларни йиғиштиришга киришган эдики, кутилмаганда бошига тушган болта зарбидан полга йиқилди. Эр қонга бўялган хотинининг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, мурдани ваннага судраб кирди. Сўнг уни бўлакларга бўлиб, тунда Урганч-Шовот йўли ёқасидаги зовурга ташлаб юборди.

2002 йилнинг 27 апрель куни зовурдан номаълум аёлнинг бўлакларга ажратилган таналари топилди. Қотиллик юз бергани, ана шу ваҳшийликни амалга оширган қотил ҳозир қаердадир ялло қилиб юргани аниқ эди. Мурда эса «гапирмайди». Прокуратуранинг вазифаси қотилни топиш. Бу осон иш эмас. Калаванинг эса учи йўқ. Ажабланарлиси, ўша кунлари яқин атрофдаги туманлардан бедарак йўқолганлар ҳақида ариза ҳам тушмаган.

Уйига қайтмаган Маъсумани ота-онаси ҳам суриштирмади. Ўз юмушлари билан юрган бўлса керак, деб ўйлашди.

* * *

...Пардоҳол ая ҳаётдан кўз юмгач, унинг номидаги Хонқа тумани «Хоразм» ширкат хўжалигида жойлашган ҳовлиси катта ўғли Олимбекка қолди. Бу эса оиланинг бошқа аъзоларига ёқмади. Опа-сингиллар, ака-укалар: «Бу уй она мерос, унда ҳаммамизнинг ҳақимиз бор. Сотиб пулини бўлиб олишимиз керак», дейишди.

Уйда яшаётган Олимбек, «Онамни мен кўмдим. Уйга ҳеч ким даъвогарлик қила олмайди. Онам касал пайти ҳеч биринглар хабар олмадинглар. Энди сенларга уй керак бўлиб қолдими?», дея жигарларини ҳовлидан қувиб солди. Опа-сингиллар эса «кураш»ни давом этказишдан қайтмади. Адвокат ёллашди.

Хуллас, уй можароси туман фуқаролик судида ҳал бўладиган бўлди. Бир ҳовлида вояга етган опа-сингиллар, ака-укалар уйни сотиш дардида судга қатъий бошлади. Зиёд бир йилдан буён давом этаётган жанжалли ишни ўзи «охири»га етказишга бел боғлади. Шу мақсадда акаси Олимбек Эгамбердиевнинг ишхонасига йўл олди.

— Ака, бугун суд бўларкан. Опам ва сизглим билан гаплашдим. Ҳовли сизга қоладиган бўлди. Онамнинг руҳи чирқилламасин деб, шу қарорга келдик. Бизни кечиринг.

Олимбек ака-укалари ва сингилларининг ақли кирганидан хурсанд бўлиб, ишхонадагилардан рухсат сўраб, Зиёднинг орқасидан эргашди.

— Ҳозир судга телефон қилиб кўрай-чи, агар суд бугун бўладиган бўлса, биргаликда борамиз. Даъвомиздан кечганлигимизни ёзиб берамиз, — Зиёд шундай деганича йўл ёқасидаги бинолардан бирига кириб кетди. Бироздан кейин қайтиб чиқиб:

— Телефон қилдим, бугун суд қолдирилибди. Уйга кирайлик. Чақчақлашамиз, кейин уйингизга ўзим таксида жўнатиб юбораман, — деди акасига.

Уйга киргач, ака учун дастурхон ёзди. Базм бошланди. Гина-кудратлар унутилди. Суҳбат мавзуси яна меросга келиб тақалди. Акаси Олимбек яшаш шароити оғирлашиб кетганидан нолиб қолди. Сўнг инсофга келган жигарларига миннатдорчилик билдирган бўлди.

— Ака, сиз оиламизнинг каттасисиз. Ота ўрнида отасиз, биз хатомизни англаб етдик, — дея Олимбекка навбатдаги қадаҳни узатди.

Кетма-кет ичилган ароқ ўз кучини кўрсатганди. Кўп ўтмай Олимбек ухлаб қолди. Зиёд ўз ниятини амалга ошириш мақсадида кутилмаганда акасининг бошига кетма-кет темир билан уриб, уни ўлдирди. Кейин мурдани одатдагидек ваннага олиб кириб, болта билан бўлакларга бўлиб, «Шовот» каналига ташлаб юборди.

Икки инсоннинг қотилига айланган Зиёд Эгамбердиев ҳаётда ҳеч нарса кўрмагандек яшаб юраверди. Ҳатто уни марҳумларнинг руҳлари ҳам безовта қилмас, агар шундай бўладиган бўлса, тўйгунича ароқ ичиб ўзини тинчлантирарди.

Янгаси ва опа-сингиллари Зиёддан акасининг бедарак йўқолгани ҳақида сўраганида, «акамга мен хўжайинманми, бирорта жазманиникида ётгандир-да», деб жеркиб берарди.

* * *

2004 йил 14 июль куни Олимбек Эгамбердиевнинг турмуш ўртоғи Замира Султонова эрининг бедарак йўқолгани ҳақидаги ариза билан туман ИИБга мурожаат қилди. Ўша йилнинг 29 июль куни «Шовот» каналидан номаълум шахснинг мурдаси топилди. Вилоят телевидениясида бу ҳақда хабар берилди. Лекин ҳеч қандай акс садо бўлмади. ИИБ ходимлари каналдан олиб чиқилган мурда ёнидан бир пой шиппак ҳам топишган эди. Мазкур шиппак Олимбек Эгамбердиевнинг шогирдлари Х.Язлиқов ва унинг турмуш ўртоғи Замира Султоновага кўрсатилганда шиппак ҳақиқатдан Олимбек Эгамбердиевга тегишли эканлигини тасдиқлашди. Қизиғи, мурданинг боши «Тасвир» газетаси парчаси билан ўралганди.

Прокуратуранинг бу сафарги вазифаси жиноятчини топиш эди. Минг бир тахминлар ишлаб чиқилди. Зиёд Эгамбердиевдан ҳеч ким гумон қила олмасди. Ўзига тўқ. Иш жойи тайин.

Кутилмаганда прокуратурага икки йил олдин бедарак йўқолган Маъсума Раҳматованинг отасидан ариза тушди. Бу аёл бедарак йўқолган, кейинчалик мурдаси топилган Олимбек Эгамбердиевнинг келини эди. Қизиғи, икки ҳолатда ҳам можаронинг илдизи Зиёд Эгамбердиевга бориб тақаларди. Гумондор билан суҳбатлашилди. Лекин у тан олгиси келмасди. Шундан кейин унинг уйи тинтувдан ўтказилди. Буни қарангки, биргина факт жиноятнинг фош бўлишига сабаб бўлди. Зиёд Эгамбердиевнинг хонадонидан «Тасвир» газетасининг қон теккан бўлаги топилди. Газетанинг бир парчаси мурданинг боши ўралган қисмига тўғри келганлигини мутахассислар аниқлашди. Ва жиноят фош этилди.

Қотиллигига иқрор бўлишдан бошқа чора қолмаган Зиёд Эгамбердиев ўзининг хотини Маъсума Раҳматовани ҳам ваҳшийларча ўлдирганини тан олди. Ушбу жиноятни фош қилиш осон кечмади. Албатта бунга қанча-қанча бедор тунлар, заҳматли меҳнатлар эвазига эришилганини жиноятни фош қилишда қатнашган прокуратура, ички ишлар ходимлари яхши билишади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ,**
**Бўка туман прокурори**

# 400 млн. сўмлик «операция»

Ҳар бир инсон болалигида катта бўлса қайсидир касб эгаси бўлишни орзу қилади. Ботир ҳам ўқишни битириб, бирор ишнинг этагини тутишни ният қилган эди. Аммо бундай бўлмади. Номигагина бир-икки жойда ишлаб кўрди-ю, лекин аксарият умри бекорчиликда ўтаверди. Кунининг бундай давом этавериши ўзига ҳам ёқмасди. Шунинг учун пул топиб, одамларга ўхшаб яшаш мақсади уни тинчлик бермай қўйди.

Кунларнинг бирида у барда Акмал ва Алексей исмли болалар билан танишиб қолди. Ўхшатмаса учратмас деганларидек, болалар ҳам худди Ботир каби хаёллар оғушида юрганлардан чиқиб қолди.

— Болалар, бу юришда ҳеч биримиз одам бўлмаймиз, — деди Ботир кунларнинг бирида.

— Нима, кўзлаб қўйган банкинг борми бўлмаса? — деди Акмал. — Агар «дардинг» бўлса, тортинмай айтавер, биз маҳаллага достон қиладиганлардан эмасмиз.

— Аслида ўйлаб юрганларим кўп-у, аммо...

— Нима экан, биз ҳам билсак бўладими? — ниҳоят гапга қўшилди Алексей.

— Ҳозир нима кўп, фирма кўп. Уларнинг ичида ишнинг кўзини биладигани билан билмайдигани ҳам етарли. Бизнинг ишимиз фақат ўз вақтида ва жойида уриб қолиш холос.

— Хўш, фирма ҳам топилди дейлик, ундан кейинчи, — маънодор гап ташлади Алексей.

— Мен олдин ишлаган бир фирмада хўжайин пулни икки уч марта айлантириб, кейин изсиз йўқотиб юборарди. Бунинг йўли осон, фақат бизга ишонадиган фирма топсак бўлгани.

Ботирнинг бу гапи ҳаммага мойдек ёқсада, лекин ўша «изсиз» йўқотиб юбориладиган пулни қаердан топиш масаласи уларни ўйлантириб қўйди.

Орага чўккан сукунатни биринчи бўлиб Алексей бузди.

— Тоғамдан қолган бир фирма бор.

— Хўш-хўш, — қизиқди Ботир.

— Ҳозир фирмани унинг хотини юритади. Товар ҳам бор, лекин янгамни кўндириш...

— Буёғини менга қўйиб беравер.

Учовлон режани пухти қилиб, Алексейнинг янгасини — Роза опани кўндиришга боришди. Роза опа дастлаб бироз ўйланиб, аммо айни пайтда касаллиги туфайли ишни бир ўзи уддалай олмаётгани учун уларга ишонди. Режага кўра, йигитлар фирма омборидаги полиэтилен гранулаларини бирваракайига ҳаммасини ўтказиш тўғрисида «Окрес» фирмаси билан шартнома тузишга муваффақ бўлишади. Шартнома шартларига кўра «Окрес» фирмаси 500 тонналик маҳсулот учун 400 млн. сўмни фирма ҳисоб рақамига икки бўлиб ўтказиб беради. Йигитларнинг омади кутганидан ҳам ортиқча келади. Сабаби Роза бу орада касалхонага тушиб қолади. Парчи, Роза йигитларнинг асл ниятини билмаса-да, ишнинг яхши кетаётгани уни қувонтирарди.

Йигитлар бундан фойдаланиб, Розанинг ўлган эри номига қалбаки шартнома расмийлаштиришиб, ҳисоб рақамидаги 400 млн. сўмга шакар сотиб олишади. Сўнгра шакарнинг ҳаммаси кирим қилинмасдан шаҳар бозорларида нақд пулга сотиб юборилади. Олинган даромад эса уч йигит ўртасида бўлиб олинади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, ишнинг бунчалик силлиқ кетаётгани Ботирни янада руҳлантириб юборади. Бора-бора одамларни алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш Ботирнинг одатига айланади. У ўз шериклари билан Розадан ташқари, яна бир танишини 3000 АҚШ долларига чув туширади.

Ҳаётда ҳеч бир иш, айниқса қинғир иш изсиз кетмайди. Ва ҳар қандай ишнинг ўз сабоғи бўлади. Энг муҳими қилинган ишдан тўғри хулоса чиқариш, хатони такрорламасликдадир.

**Илҳом ТОИРОВ,**
**Миробод туман прокуратураси иш ўрганувчиси**

## Фаластинликлар манфаати йўлида



Буюкбританиянинг собиқ бош вазири, ҳозирда «Яқин шарқ квартети»нинг (Россия, ЕИ, АҚШ, БМТ) махсус вакили Тони Блэр Исроил ҳамда Фаластин ҳукуматлари ўртасида эришилган янги келишув тўғрисида эълон қилди. Қуддусда бўлиб ўтган матбуот анжуманида Блэр келишувнинг айрим бандлари билан ўртоқлашди, деб хабар қилади «Haaretz» нашри. Мазкур ҳужжатда кўпроқ фаластинликлар манфаати эътиборга олинган экан. Масалан, исроилликлар тўртта блокпостни демонтаж қилишга ҳамда саккизта назорат-ўтказиш пунктларида ҳужжатларни текшириш жараёнини енгиллаштиришга қарор қилган. Шунингдек, улар Женин шаҳри атрофида янги блокпостларни қурмасликка ва 1000 нафар фаластинликка Исроилда ишлашга, 300 тасига эса Исроил билан савдо қилиш ҳуқуқини беришга ваъда берганлар. Бундан ташқари исроилликлар қишлоқларни қайта барпо этиш бўйича 14 та лойиҳани маъқуллаб, ерларни мусодара этиш, қурилишларни бузишга доир 3 мингта қарорларни қайта кўриб чиқишларини билдиришган. Қайд этиш лозимки, сўнгги ойлар ичида бу турдаги ҳужжатлар биринчи маротаба имзоланиши эмас. 2008 йилнинг март ойи охирида Исроил Фаластин ҳудудига олиб бораdиган йўлларда 50 та блокпостларни демонтаж қилишга ва Исроилда ишлашга ҳуқуқ берувчи беш мингта рухсатнома ажратишга розилик берганди.

## Ўзинг учун...



Италия бош вазири Сильвио Берлускони, ҳукумат «Alitalia» авиакомпаниясини миллийлаштирмаслигини ҳам, ундаги ўзининг ҳақини камайтирилган нархда сотмаслигини ҳам маълум қилди. Бош вазирнинг фикрича, «Alitalia» ўз кучи билан юзага келган оғир молиявий муаммоларни енгиб ўтади. Эслатиш жоизки, Италиянинг авиаташувчи компанияси банкротликка учраш ҳолатида. «Alitalia» 2002 йилдан бери даромад қилмайди. Кунига бир миллион евро миқдорида зарар кўраётган компания фаолиятини давом эттира олиши учун Романо Проди ҳукумати томонидан «Alitalia»ни зудлик билан молиялаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганди. 2008 йилнинг 22 апрелида авиакомпания Италия ҳукуматидан 300 миллион евро миқдорида кредит олган. Бундан аввалроқ, француз-нидерланд «Air France-KLM» компанияси «Alitalia»даги давлат улушини сотиб олиш шаштидан қайтган. Мазкур компаниянинг 49,9 фоиз улуши давлатга тегишлидир. «Air France-KLM» музокаралардан чиққанидан бир неча кун ўтгач, «Alitalia»даги давлат улушини сотиб олиш мақсадида яна бир авиакомпания — Россиянинг «Аэрофлот»и ташаббус билан чиққан.

## Мақсадсиз ўғирлик

Вильнюс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган уч нафар ўспиринни Литва миллий музейидан рицарлик аслаҳаларини ўғирлаганликда гумон қилиб ҳибсга олди, деб хабар қилади «Delfi.lt.» ахборот агентлиги. Маълумки мазкур музейга 20 февраль куни тунда ўғрилар тушишган. Жиноятчилар 16-17 асрларга доир бир неча комплект рицарлик аслаҳаларни олиб, жуфтакни ростлашган. Қизиғи шундаки, бир кун ўтгач, ўғирланган рицарлик аслаҳалари пойтахт телеминораси яқинидаги ахлат қутисидан топилган. Ўшанда полициячилар ўғрилар нима сабабдан бундай қилишганини тушунишмаганди. Полиция бошлиғининг айтишича, энди бу ҳолат ойдинлашаяпти. Ёшлик қилиб жиноятга қўл урган ўспиринлар рицарлик аслаҳаларини нимага ишлатишни, кимга сотишни ҳам билмай ташлаб юборишган.



## Суиқасд учун 100 кун



Буюкбританиянинг Бристоль шаҳри суди ўзининг ногирон эрини ўлдиришга уч маротаба ҳаракат қилган 61 ёшли аёлни 100 соатлик ижтимоий-фойдали меҳнатга ҳукм қилди. «The Daily Telegraph» нашрида ёзилишича, Ширли Уоттс ишини кўриб чиқаётган судья, унинг ҳаракатларини «ёрдам нидоси» деб малакалаб, аёлга нисбатан қамоқ жазосини қўлламади.

Судланувчининг гапига қараганда, 2007 йилнинг декабрь ойи охирларида у уч марта турмуш ўртоғининг жонига суиқасд қилган, жумладан уни ёстиқ билан бўғиб ва ваннада чўктирмоқчи бўлган. Кейинчалик виждон азобига учрабми, Уоттс қутқарув хизматига телефон қилиб, эрини ўлдирмоқчи бўлганини гапириб берган. Шундан сўнг у ҳибсга олинган. Суднинг фикрига кўра, аёл жуда кучли ҳис-ҳаяжон ҳолатида бўлган, чунки у деярли беш йил давомида куну тун ногиронлар аравачасига михланган турмуш ўртоғига қарашга мажбур эди. Ширли Уоттс турмуш ўртоғининг судда ўқиб эшиттирилган баёнотида, у аёлга нисбатан ҳеч қандай адовати йўқлигини билдирган. Унинг айтишича, Уоттс хоним умуман ёвузликка қўл уролмайди.

## Бировнинг ишига аралашманглар



«AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири шаҳзода Саид ал Файсал Эрон раҳбариятига мурожаат этиб, Ливан низосига аралашмаслик тўғрисида огоҳлантирди. Унинг сўзларига қараганда, Теҳрон томонидан Ливаннинг мухолифат кучларига берилаётган ёрдам, Эроннинг араб дунёси билан муносабатларини ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шунингдек, у барча яқин шарқ давлатлари вакилларига мурожаат этиб, Ливаннинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда, унинг ички ишларига аралашмасликка чақирди. Маълумки, Саудия Арабистони бош вазири Фуад Синиора бошчилигидаги ҳукуматни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ҳозирда мана олти кундан бери Ливанда ҳукумат кучлари ҳамда «Ҳезбуллоҳ» ҳаракати жангарилари ўртасида қуролли тўқнашувлар юз бермоқда. Маълумотларда айтилишича, «Ҳезбуллоҳ» ҳаракатига Сурия ва Эрон яқиндан ёрдам бериб турибди. 7 майдан бошланган тўқнашувларда 70 киши ҳалок бўлган, 200 киши яраланган.

## Гумонланувчи ушланди

«France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба куни ҳинд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари Рожастон штатининг маъмурий маркази Жайпурда содир этилган қатор террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда гумон қилинаётган шахсни ҳибсга олишди. Мамлакат ички ишлар вазирлиги вакилларининг айтишича, портлашларда чет эл террорчилари айбдор.



Айрим маълумотларда кўрсатилишича, бу террорчилик хуружи орқасида Бангладешнинг «Ҳаркат-ул-Жиҳод ал-Исломи» гуруҳи турибди. Таъкидлаш жоизки, мазкур гуруҳ аввалари ҳам Ҳиндистон ҳудудида террористик актларни амалга оширган. Маълумки, портлашлар натижасида 80 киши ҳалок бўлган, 150 дан ортиғи жароҳатланган. Барча портлашлар сешанба куни маҳаллий вақт бўйича соат 19-30 да (Тошкент вақти бўйича соат 16-00) бир неча минут оралиқ билан шаҳарнинг меъморий обидаларга бой ҳудудида содир этилган.

Деҳлидан 260 километр узоқликда жойлашган Жайпур хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади. Портлаш мосламаси айни одамлар гавжум жойларда ишга солинган.

## Пост вақтинчалик очилганди

Миср ҳукумати Ғазо сектори билан чегарадаги Рафах назорат-ўтказиш пунктини ёпишга қарор қилди. Мазкур НЎП тиббий ёрдамга муҳтож фаластинликлар мисрлик шифокорлардан малакали ёрдам олишлари учун вақтинчалик очилганди. Уч кун давомида 1433 нафар фаластинлик Мисрга келди. Чегарани вақтинчалик очиш тўғрисидаги қарор Ғазо секторини назорат қилаётган «Хамас» ҳаракати ва Миср ҳукуматининг ўзаро музокаралари маҳсулидир. Таъкидлаш жоизки, Ғазо сектори чегарасида жойлашган Рафах назорат ўтказиш пункти исроилликлар назоратида бўлмаган ягона объектдир. Маълумки, чегара ҳудудидаги шаҳарларнинг ракеталардан ўққа тутилиши тўхтамаётгани учун исроилликлар ўзларига қарашли барча НЎПларни ёпиб қўйганди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.



## Кўзбўямачилик фош бўлди



**Жорж Буш маъмурияти Ироқ ҳукуматида авж олган коррупция тўғрисидаги огоҳлантиришларни расмий Бағдод билан муносабатларни кескинлаштирмаслик учун шу вақтга қадар эътиборсиз қолдириб келмоқда, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги. Мазкур тоифадаги маълумотлар махфийлаштирилиб, четга олиб қўйилар экан. Бироқ, 2007 йилда Ироқда ишлаган АҚШ давлат департаментининг ҳисобдорлик ва ошкоралик бошқармаси собиқ директори Артур Бреннан ва бошқарма маъмуриятининг собиқ раҳбари Жеймс Мэттил бу ҳолатга ойдинлик киритишди. Демократик партиянинг сиёсат бўйича сенат қўмитасида нутқ сўзлаган Бреннан ва Мэттил қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашишди. Уларнинг айтишича, конгрессменлар ёрдамчиларининг Бағдодга боришига, давлат департаменти, у ердаги бошқарма ходимлари иш билан жуда бандлигини рўкач қилиб тўсқинлик қилган. Бреннаннинг сўзларига қараганда, аслида ундай бўлмаган. Унинг қўл остидаги хизматчилар куну тун элчихонада ёки ўзларининг компьютерларида кино кўриш билан вақт ўтказган. Уларда умуман иш бўлмаган, чунки Ироқ бош вазири Нури ал-Малики америкаликлар назорат қилиши лозим бўлган миллий аксилкоррупцион бошқарма фаолиятини тўхтатиб қўйганди. Унинг таъкидлашича, буларнинг барчаси кўзбўямачилик экан. Ҳисобдорлик ва ошкоралик бошқармаси ироқликларга коррупцияга қарши курашда кўмаклашиш мақсадида ташкил этилганди.**

## Элчини ҳибсга ололмадилар

Зимбабве полициячилари 13 май куни АҚШнинг бу ердаги элчиси Жеймс Макги ва яна бир гуруҳ журналистларни ушлашга уринган. «CNN» телекомпаниясининг хабар беришича, Макги президентлик ва парламент сайловларидан сўнг рўй берган оммавий тартибсизликларда жароҳатланганлар ётган шифохонадан чиқаётган бўлган. Полициячилар шифохона ҳудудидан чиқадиган йўлларни тўсиб, бир қатор саволларга жавоб бериш учун элчидан полиция маҳкамасига боришни сўрашган. Уларни элчи ва журналистлар томонидан шифохонада олинган фотосуратлар қизиқтирган. Дипломат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи вакилларига рад жавоб бериб, уни кузатиб юрган журналистлар билан шифохона ҳудудидан чиқиб кетган. Кейинчалик, полициячилар бу ҳолатни ҳибсга олишга уриниш деб баҳоламаслик зарур дея изоҳлашди.

Сайловлар жорий йилнинг 29 мартида бўлиб ўтганди. Унга қадар мухолифатчилар амалдаги президент Роберт Мугабе ҳукумат тепасида қолиш мақсадида сохтакорликларга қўл уриши мумкинлигини билдиришганди. Мухолифат сайловлар натижасини марказий сайлов комиссияси эълонига қадар чоп эттирганди. Уларнинг ҳисобига кўра, президентлик сайловларида Морган Тсвангири ғалаба қозонган, бироқ расмий натижаларга қараганда сайловларнинг иккинчи босқичи ўтказилиши лозим.

## Этна уйғонди

13 май куни маҳаллий вақт билан эрта билан соат 7-30да (Тошкент вақти бўйича соат 6-30) Сицилия оролидаги машҳур Этна вулқони уйғонди. Катания вилоятидаги геофизика ва вулконология институтининг шахобчаси олимлари вулқон чўққиси яқинида рўй берган портлаш билан якунланган кучли сейсмик ҳаракатни қайд этишган. Жануби-шарқий кратер ҳудудида атмосферага катта ҳажмда газ ва кул ажралиб чиқиши ҳолатлари кузатилмоқда. Эслатиш жоизки, 10 май куни айни шу жойда вулқон ҳаракати кузатилганди. Бироқ, ўша кун кечасиёқ сейсмик ўзгаришлар умуман тўхтаган. Олимларнинг фикрича, ҳозирча ҳеч қандай хавф йўқ. Сўнгги марта Европадаги энг катта бўлмиш Этна вулқони (3295 метр) 2007 йилнинг ноябрида уйғонганди. Ўшанда атрофдаги бир нечта қишлоқ вулқон кули остида қолиб кетган, Катания аэропортини эса бир кунга ёпишга тўғри келганди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

**«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади**

# Ўғил боланинг гапи

Қурбон сира бунақа аҳволга тушмаган эди. Ўйин бошлангандан бери кетма-кет уч марта ютқазди. Ёнида хемири ҳам қолмади. Аммо давра кўрган, улфат кўрган, қимор ўйнаб юрган мард йигит эмасми, бўш келмади, мағлубиятини тан олишга бўйни ёр бермади.

— «Голландский» сигиримни тикдим! — деб юборди у ўйлаб ўтирмасдан. Йигитлар ҳой-ҳойлашди.

— Жуда бунчаликмас-да, Қурбон, — деди улфатларидан бири. — Унақа... виждонини ҳам қиморга тикиб юборадиганлардан эмасмиз. Бола-чақангни сут-қатиқдан маҳрум қилма!

— Йўқ, тикаман! — деди Қурбон ўжарлик билан. — Нархи беш юз минг. Ҳар куни ўн литрдан сут беради...

— Нақ сут комбинати экан-да! — кулди бошқа улфати масхараомуз оҳангда. — Фермерлик қилсанг бўларкан!

Йигитлар қийқириб юборишди. Қурбон борган сари асабийлашиб авжига чиқди.

— Гап битта! — деди у бўғилиб. — Ана сигиримни хоҳламасанглар, ҳовлимни тикаман!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Сукутни жўрабоши Маллавой ака бузди.

— Нима, ундан кейин хотин, бола-чақанг билан кўчада қолиб, қамишдан чайла тикиб ўтирасанми?

Йигитлар яна кулишди. Қурбоннинг эса баттар жазаваси тутди.

— Қаерда яшаш менинг ишим, ака, — деди лаблари титраб. — Ютқаздимми, тўлашим керак!

— Унақамас, жўра, — уни тинчлантиришга уринди оғайниси Жўравой. — Биламиз, мард йигитсан. Айтганингни қиласан. Лекин сени деб уйингдагилар азият чекмаслиги керак.

— Тўғри, — қўшилишди уй эгаси Холмат унга ачиниб. — Хўп, бу сафар қўлинг келмабди. Шунга додфарёд қилиш керакми? Ана, майли десанг, қарз берайлик. Ўйна!

— Йўқ, қуллуқ! — тутақди Қурбон ва титраётган қўлларига ароқ шишасини олиб, пиёлага тўлдирди-да, бир кўтаришда бўшатди. Ҳатто газак ҳам қилмади. Буни кўриб, хонадагилар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

— Сенга жавоб! — деди Маллавой ака. — Асабларинг жуда чарчабди, Қурбон. Дамингни ол. Келаси сафар даврага кирасан.

— Йўқ, — бош чайқади Қурбон ўжарлик қилиб, — ўйнайман.

— Битингга ўйнайсанми, галварс! — жеркиб берди сигарет тутатганча илжайиб ўтирган бақалоқ йигит, — ўтган йили мотоциклингни тикиб, ютқаздинг. Кейин ярим миллионга тушиб, қанча қийналиб юрдинг. Кейин...

— Бунақа гапларни қўйинг, полвон ака, — деди Қурбон хўмрайиб, — мен ўйнайман. Ўғил боланинг гапи битта бўлади...

— Ҳозир кайфинг бор, Қурбон, — деди бошқа бир йигит.

— Кайфим бўлиши мумкин, — деди Қурбон лабларини алам билан тишлаб. — Лекин айбим йўқ. Мен даврадан чиқмайман.

— Бўлмаса, чўтал олиб ўтир, — ҳиринглади бошқа йигит.

— Чўталинг ўзингга буюрсин, — деди Қурбон унга еб юборгудек қараб. — Мен ҳалол ўйнамоқчиман.

— Нима, биз ҳаром ўйнаяпмизми? — деди Маллавой ака жаҳл билан.

— Мен унақа демоқчи эмасдим, ака, — деди Қурбон. — Майли, юз минг қарз бериб туринг, бошқа сўрамайман...

— Ўзингга қара, — деди Маллавой ака бош чайқаб. — Лекин ўртага юз мингдан ташланаётгани эсингдан чиқмасин. Бир қўл ўйнайсан!

— Гап йўқ! — бош ирғади Қурбон.

— Мабодо яна ютқазсанг... — Маллавой ака энди сўзини давом эттираётганди, Қурбон бўлди:

— Ҳовлимни тикаман!

— Ҳовлинг ўзингга буюрсин! — илжайди Маллавой ака ва даврадагиларга қаради. — Битта ўйнаб берасан! «Дилхирож»га!

— Атлас кўйлак кийиб! — луқма ташлади бақалоқ йигит.

Қурбоннинг бутун вужуди титраб, инграб юборди:

— Нима, устимдан кулаяпсизларми?

— Ҳа энди, буям бир гап-да, хумпар! — кулди Маллавой ака. — Ҳазил!

— Ҳазил бунақа бўлмайди, ака, — норози оҳангда тўнғиллади Қурбон.

— Унақада, юз минг эмас, икки юз минг бераман, — деди Маллавой ака унга синовчан тикилиб. — Ҳамма ўртага икки юз мингдан ташлайди. Бир «лимон»у яна икки юз минг бўларкан. Ютсанг, оласан, ютқазсанг...

— Розиман, — деб юборди Қурбон ўйлаб ўтирмасдан.

— Билиб қўй, Холмат хотинининг атлас кўйлагини олиб чиқади. Сен кўйлак-лозим кийиб хизматимизни қиласан...

— Чой-пой дамлаб дегандек, — ҳиринглади кимдир.

— Кейин ўйнаб беради, — қийқирди бошқа йигит.

— Бунисини кўрамиз, — деди Қурбон ранги ўчиб.

— «Ҳа» ё «йўқ» — деди яна кимдир.

— Розиман дедим-ку! — деди Қурбон кўрпача устига тиз чўкиб ўтираркан. — Карталарни сузинглар!

Маллавой ака унга икки боғлам пул узатди. Ҳамма қизиқ бир воқеа юз берадигандек қизиқсиниб бирин-кетин қуроқ дастурхон устига пул ташлай бошлади. Яп-янги, тахи бузилмаган карта очилиб, ўйин бошланди. Хонага таранг бир сукунат чўкди. Бу жимликни фақат деворда-ги эски осма соатнинг бўғиқ чиқиллашигина бузар, унинг рақамлари тунги бирни кўрсатиб турарди.

Ҳамма қўлидаги карталарига тикилганича ўтираркан, Қурбон ўртага тикилган пул уюмига қараб ютиниб қўйди. Сўнг қўрқа-писа карталарига кўз югуртирди, озғин юзига ранг югургандек бўлди.

— Мен «пас», — қўлидаги карталарни тескари қилиб ташлади йигитлардан бири.

— Мен ҳам «пас», — қўшилди иккинчиси. Қолган тўрт киши бир-бирлари билан ўғринча кўз уриштириб олишди.

— Хўш, нима қилдик? — деди Маллавой ака сигарет тутатиб, — «Банк»да бир миллион икки юз минг бор. Ким юради? Ё бўлишиб оламизми?

— Йўқ, бўлишиш йўқ, — кескин бош чайқади Қурбон. У шундай дея яна ароқ шишасига қўл чўзганди, бақалоқ ўқрайди.

— Бўлди, ичма Қурбон, — деди жеркиб, — кайфинг ошиб қолади.

— Қип-қизил аҳмоқ экансан, — деди Холмат бош чайқаб.

— Соғ бўлсам шунақа қилиб юрармидим, ошна? — илжайди Қурбон ва пиёлани шарт кўтариб бўшатди.

— Майли, мен картамни очаман, — деди Холмат, — ўн етти... чиқдим...

— Чиқавер, — ҳиқиллаб кулди бақалоқ йигит, — эшик чап тарафда. У ёғи катта кўча!

Даврада уч киши қолди. Маллавой ака, бақалоқ ва Қурбон.

— Бўлишиб олақоламизми? — яна сўради Маллавой ака илжайиб.

— Йўқ, — бош чайқади Қурбон қўлидаги карталарни кафти орасига яшириб.

— Нима, «банк»ни урмоқчимисан? — кулди бақалоқ.

— Майли, омадингни берсин, — деди Маллавой ака чуқур тин олиб ва қўлидаги карталарни ташлади, — меники ўн тўққиз...

Қурбоннинг пешонасидан муздек тер чиқиб кетди ва кўзларига ишонмагандек яна карталарига ўғринча қараб қўйди.

— Нима дейсан, Қурбон? — деди бақалоқ тилла тишларини ялтиратиб. — Бўлишамизми?

— Йўқ, — деди Қурбон тишларини тишларига босиб.

— Унда очдим, — деди бақалоқ ва карталарни дастурхон устига очиб қўйди, — йигирма!

Қурбоннинг кўз олди қоронғилашиб кетгандек бўлди.

— Ҳа, Қурбон, ташла!

Қурбон қўлидаги карталарни ғижимлаб алам билан шивирлади:

— Ютдингиз, полвон ака...

Хона қийқириққа тўлиб кетди:

— Нима экан ўзи? Қани, картангни кўрайлик!

— Меники... ўн саккиз... — деди Қурбон бошини гуноҳкорона эгиб.

— Ия, шунга олифтагарчилик қилиб ўтирибсанми? — қаҳ-қаҳ уриб юборди Маллавой ака. — Мен ўн тўққизни ташлаб юбордим-ку!

Ўйин тугади. Бақалоқ ўртадаги пулларни елим халтага жойлаб ён бошига қўйди. Ароқ қуйилди. Тандиркабоб сузишга киришилди.

— Қани, келин бола, — деди Жўравой Қурбонга тегишиб. — Кўйлак-лозимингизни кийиб ошхонага боражолинг!

Хона кулги зарбидан титраб кетгудек бўлди.

Ер ёрилмади-ю, Қурбон кириб кетмади. Яна бир пиёла ароқни симириб, гандираклаганча ўрнидан турди-да, серрайиб қолди.

— Қани, бўлақол, Холмат, — деди бақалоқ дўриллаб, — хотинингни атлас кўйлагини Қурбонбойга... йўқ, Қурбонойга олиб чиқиб берақол!

Яна кулги кўтарилди. Товонигача музлаб кетган Қурбон кўзларини қаерга яширишни билмай, анграйди. Худди нажот кутгандек даврадагиларга қаради. Ҳамма парвойипалак, ароқ ичиб, газак қилиб, унинг устидан кулиб ўтирарди.

— Оғзингизга қараб гапиринг, полвон ака, — деди Қурбон товуши қалтираб.

— Мен нима дедим? — елка учириб қўйди бақалоқ. — Боя ўзинг айтган гап-да! Ўғил боланинг гапи битта бўлади дединг-ку!

Хонага яна жимлик чўкди.

— Сиқилма, — илжайди Маллавой ака, — ҳаммамиз ютқаздик. Сен бўлса ютдинг ҳисоб. Сигиринг ҳам, ҳовлинг ҳам ўзингда қолди. Атлас кўйлакни номига кийиб, шундоқ ечсанг бўлди. Қизиқчилик-да, акаси!

Қурбон устидан муздек сув тўкилгандек сесканиб кетди.

— Ҳа, йўқ, — деди бақалоқ, — ҳали тонг отишига анча бор. Қурбон энди атлас кўйлак-лозимда эрталабгача хизматимизни қилади. Шунақами, Қурбон?

Шу тобда Қурбонга қараб бўлмасди. Унинг ранги кесак бўлиб кетган, тиззалари дағ-дағ титраб, лаблари қалтираб, тўрт томонга аланг-жаланг боққанча серрайиб турарди. Унинг хаёлида фақат бир нарса, Маллавой аками, полвон аками, биронтаси «Ке, қўйсанг-чи, ука, ўзимизнинг йигитсан. Шунчаки ҳазиллашдик, холос. Йигит кишиям атлас кўйлак киядими?!» деса-ю енгил тортса! Йўқ, даврадагилар гўё уни унутгандек эдилар. Пешма-пеш яна ароқ тортилди. Холмат бурчакдаги магнитофонни ёқди, хонага қанақадир тарақа-туруқ мусиқа товуши ёйилди.

— Йиғиштир, шара-барангни! — хўмрайди Маллавой ака. — Ўзимизнинг ўзбекчасидан қўй!

— Шералидан борми? — деди бақалоқ йигит Холматга қараб.

— Гулсанамдан эшита қолайлик! — қўшилишди Жўравой. — «Бошимда ипак рўмолим»ни қийиб қўйганде!

Йигитлар қийқириб кулишди.

— Йўқ, атлас кўйлакда ўйнамаса ҳисобмас! — тиржайди бақалоқ йигит. — Холмат, нега ҳалигача «артиска»мизни кийинтирмадингиз?

Қурбоннинг кўз олди қоронғилашиб, оёқларини оғир судраганча ташқарига юрди. Ҳолингга маймунлар йиғлайди, деганлари шу бўлса керак-да! Икки йилдан бери улфат бўлиб, ака-укачилик қилиб юрган ҳамқишлоқларининг аҳволи бу! Йўқ, атлас кўйлак кийиб уларнинг олдига киргандан кўра... Ўлим-ку, бу ахир? Эртага бу гап қишлоққа тарқалса, қандай бош кўтариб юради? Йўқ, йўқ!

Қурбон йўлакда, ҳовлига чиқаверишдаги эшик ёнида қотиб қолди. Шу пайт кимдир унинг тирсагига қўл теккизгандек бўлди-ю, хаёли бўлинди. Қараса орқасида Холмат тиржайиб турибди. Қўлида ғижим атлас кўйлак. У пиқиллаб кулди-да, кўйлакни Қурбоннинг елкасига ташлаб ўзи ташқарига чиқиб кетди. Қандоқ қилсин, «ўйнама» дейишди, огоҳлантиришди. Ўзи ўйнади, ютқазди. Шартга рози бўлди. Акс ҳолда номардлик ҳисобланарди. Энди атлас кўйлак кийса...

У хиёл гандираклаганча ҳовли тарафга юраркан, ошхонада, қозон бошида куймаланаётган иккита йигитга кўзи тушиб, юзини терс бурди-ю, этак тарафга қараб кетди...

Тандиркабоб сузиб келтирилди, яна ароқлар очилди. Ичишди. Ганг-гир-гунгур қилиб у ёқ-бу ёқлардан суҳбатлашиб ўтиришди. Аммо Қурбондан дарак бўлмади.

— Атлас кўйлакли йигит қани? — тегишди Маллавой ака ширакайф товушда.

— Чой дамлаяпти шекилли? — деди кимдир.

— Ҳойнаҳой, хотинингнинг кўйлаги унга сиғмади шекилли, Холмат? — луқма ташлади бақалоқ.

Улар яна шундай аччиқ-чучук, ҳазил-ҳузул гаплар қилиб ўтиришаркан, эшикка чиқиб хабар олиб келган Холмат тўсатдан кўзлари олакула бўлганча югуриб қайтиб кирди.

— Қу... Қурбон... молхонада ўзини осиб қўйибди, — деди у дағ-дағ қалтираб.

— Тфу, «чёрт побери!» — деб юборди бақалоқ ва қўлидаги гўшт кесаётган дандон сопли пичоқни дуч келган тарафга отиб юборди. Пичоқ урилган дераза ойнаси қарсиллаб синди.

Ҳамма дув этиб ўрнидан турди. Қўшни хонада чироқ ёнди. Ёш боланинг йиғлагани, аёл кишининг қарғаган товуши эшитилди.

Хонадагилар шоша-пиша ҳовлига чиқишаркан, ойнаси синган деразадан ҳувиллаб кириб турган совуқ шамол ерда ётган карталарни сарғимтир япроқлар янглиғ чирпирак қилиб учириб юрарди...

*Эркин УСМОНОВ*



Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 455. 21 933 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.ESHMURODOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 1 2 3 4 6 7 8